

ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА
ПРОКТОСЕДИЛ® М
PROCTOSEDYL M

Препаратнинг савдо номи: Проктоседил® М

Дори шакли: ректал капсулалар.

Таркиби:

Бир капсула сақлайди:

Фаол моддалар:

| | |
|------------------------------|---------|
| фрамицетин сульфати* | 5,00 мг |
| гидрокортизон ацетат | 2,79 мг |
| эскулозид | 5,00 мг |
| бензокаин (этиламинобензоат) | 5,00 мг |
| бутамбен (бутиламинобензоат) | 5,00 мг |

*- фаоллиги 670 мкг/мг

Ёрдамчи моддалар: ланолин, оқ юмшоқ парафин, суюк парафин**

**-фрамицетин сульфатнинг миқдорига асосланган ҳолда суюк парафиннинг миқдори ўзгарувчан бўлади.

Капсула қобигининг таркиби: желатин, глицерол (глицерин), метилпарагидроксибензоат (метилпарабен), пропилпарагидроксибензоат (пропилпарабен), титан диоксиди (E171), тозаланган сув.

Таърифи: сарғиш-оқ рангли ёғли модда сақловчи ноксимон шаклдаги оч-сарик рангли юмшоқ желатин капсулалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: геморройни даволаш учун восита.

Код АТХ: C05AX03.

Фармакологик хусусиятлари

Геморройни даволаш учун мўлжалланган мажмуавий препарат.

Гидрокортизон-глюкокортикостероид, яллиғланишга қарши восита ҳисобланади. Қизариш, шиш, оғриқ каби яллиғланишнинг турли белгилари ва симптомларини бартараф этади.

Фрамицин сульфат – маҳаллий қўллаш учун кенг таъсир доирасига эга антибиотикдир. Бир қатор граммусбат ва грамманфий микроорганизмларга нисбатан бактерияцид фаолликка эга.

Эскулозид кимёвий тузилиши бўйича Р витаминига ўхшаш, капиллярларнинг юқори мўртлигини камайтиради.

Этиламинобензоат ва бутиламинобензоат маҳаллий оғриқ колдирувчи ва қичишишга қарши таъсирга эга, анал сфинктернинг спазмларини камайтиради.

Препаратнинг самараси қўлланганидан сўнг бир неча минутдан кейин намоён бўлади.

Қўлланилиши

Ички геморрой.

Қўллаш усули ва дозалари

Проктоседил М эрталаб ва кечқурун, шунингдек, ҳар бир дефекациядан кейин буюрилади.

Ректал капсулаларни имкон борича тўғри ичакка чуқурроқ киритилиши керак. Аҳвол яхшиланганидан сўнг ректал капсулалар сонини бир кунда бир мартагача қисқартириш мумкин.

Проктоседил М ректал капсулаларини Проктоседил суртмаси билан бирга қўллаш мумкин.
Препарат қисқа муддат (кўпи билан 7 кун) давомида қўлланилади.

Ножўя таъсирлари

- Тўғри ичак соҳасида дискомфорт ҳисси.
- Тўғри ичак соҳасида ачишиш, тўғри ичак шиллиқ қаватини қуриши.
- Иккиламчи инфекцияни қўшилиши.
- Аллергик реакциялар.
- Проктоседил М катта дозаларда ва/ёки узоқ вақт давомида қўлланганда гидрокортизон билан боғлиқ тизимли ножўя таъсирлар юзага келиши хавфи ошади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препарат компонентларига юқори сезувчанлик.

Аноректал соҳасини туберкулёз, вирус, замбуруғ инфекциялари билан зарарланиши.

Ҳомиладорлик ва эмизиш даври.

Эмизикли давр.

Препаратни артериал гипертензияда, сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда *эҳтиёткорлик билан* қўллаш керак.

Махсус кўрсатмалар

Препарат болалар олаолмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

Чиқарилиш шакли

Ректал капсулалар.

20 капсуладан бураладиган қопқоқли тўқ шиша флаконда.

1 флакондан қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон қутида.

Сақлаш шароити

8°C дан 25°C гача бўлган ҳароратда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

2 йил.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

Санофи Индия Лимитед, Ҳиндистон

54/A, Sir Mathuradas Vasanji Road, Chakala, Andheri (East), Mumbai-400093, India